

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифининг биринчи куни Нагоя университетиде бўлиб, у ерда профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди. Дунёга машҳур ушбу олий ўқув юртида давлатимиз раҳбарининг университет фахрий доктори унвони билан тақдирланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Қуйида Президентимизнинг учрашув чоғида сўзлаган нутқи эълон қилинмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Мацуо жаноблари!  
Хурматли профессорлар ва талабалар, университет жамоаси!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Авалло, Нагоя университети президенти билан бир сифатда эътибор ва эзгу тилаклари учун чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ўйлайманки, менинг Президент сифатида мамлакатингизга илк ташрифим ҳақида билдирилган фикрлар, мана шундай эътибор, бир-биримизга ҳурмат, илиқ муносабат ҳақиқатан ҳам Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, келгусида катта натижаларга эришиш йўлида ишончли замин яратди.

Биз Нагоя университетини дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан бири сифатида эътибор этамиз.

Нобель мукофоти совриндорлари Рёжи Ноёри, Осаму Симомура, Мамото Кобаяси, Тосихиде Маскава, Исаму Акасаки, Хироси Амано ва бошқа машҳур олимларни етиштириб берган ушбу университетнинг фахрий доктори деган юксак шарафга муносиб кўрилганимдан гоёта хурсандман.

Бу унвонни мен аввало Ўзбекистон халқига кўрсатилган эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мен Нагоя университетининг фахрий доктори сифатида Ўзбекистонда унинг улкан илмий салоҳияти ва ютуқларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишга, таъбир жоиз бўлса, ушбу университетнинг ишончли вакили сифатида иш олиб боришга ҳаракат қиламан.

Бутун жаҳонга машҳур Нагоя шаҳри ҳақида халқ орасида шундай ибора бор экан: "Нагоя қалъаси бўлмаганида Нагоя шаҳри ҳам бўлмас эди". Мен бунга қўшимча қилиб: "Нагоя университети Нагоя шаҳрини ҳам тасаввур этиб бўлмайди", деган бўлардим.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Япониянинг машҳур Нара шаҳри

музейида сўгд ёзувида битилган ёдгорликлар борлиги буни яққол тасдиқлайди. Япон археолог, марҳум профессор Като томонидан Кушон подшоҳлигининг дастлабки пойтахти бўлган Ўзбекистондаги Далварзинтепадан топилган будда ибодатхонаси ва қирққа яқин ҳайкаллар япон ва жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини эътироф этмоқчиман.

Бизнинг улғу боболаримиз – алгебра фани ва "Алгоритм" тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машҳур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ ақс эттирилган астрономик жадвал яратган Мирзо Улугбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар.

Қадрли дўстлар!  
Биз Ўзбекистонда бундан уч йил аввал миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Жамият ҳаётида ҳар томонлама очиқлик ва эркинликни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишга асосланган ушбу Стратегия доирасида беш устувор йўналишда изчил ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Бу жараёнда энг ривожланган давлатларнинг, хусусан, илғор япон тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунки Япония бизнинг вақт синовидан ўтган, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шеригимиздир.

Биз ушбу ташрифни ўзаро манфаатли ва узоқ мuddатли ҳамкорлигимиз тарихида бошланаётган мутлақо янги даврнинг ўзига хос ифодаси деб биламиз.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ОЧИҚДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакатда чоп этиладиган "Nikkei" газетасига интервью берди.

1876 йилда асос солинган, дунёдаги йирик молиявий нашрлардан бири бўлган ушбу газета 3 миллиондан зиёд нухада чоп этилади. Қуйида ушбу интервьюнинг таржимаси берилмоқда.

– Муҳтарам Президент Жаноблари, Сиз Япония билан икки томонлама муносабатлар, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

– Япония Ўзбекистон учун доимо вақт синовидан ўтган, ишончли ва стратегик шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Япония ҳукуматининг кўмагида, "Ривожланиш учун расмий ёрдам" дастури доирасида мамлакатимизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг асосий соҳалари – бу электр энергетикаси, нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, машинасозлик ва туризм ҳисобланади.

Ишонаманки, бўлажак Ўзбекистон – Япония саммити доирасида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда

янги даврни бошлаб, шериклик алоқаларимизнинг янги йўналишларини белгилаб беради.

– Японияга ташрифингиз доирасида қандай икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган?

– Ташриф давомида Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини назарда тутадиган бир қатор шартномаларни имзоланиши режалаштирилган.

Амалга оширилиши белгиланган қўшма инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд ташкил этади.

Йирик ва муҳим аҳамиятга молик лойиҳалар орасида қиймати қарийб 2 миллиард доллар бўлган Навоий иссиқлик электр станциясининг учинчи ва тўртинчи буг-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар давом эттирилишини алоҳида таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим лойиҳа (қиймати 200 миллион доллар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган замонавий қишлоқ ҳўжалиги кластерларини ташкил этишга қаратилган.

(Давоми 2-саҳифада)

## БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Марказий сайлов комиссиясида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашув ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Махмуд Истамов меҳмонга мамлакатимизда парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида маълумот берди. Хусусан, жорий йил бўлиб ўтадиган парламент сайловлари "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ташкил этилаётган. Сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ҳақидаги назарий билимлари ва амалий тажрибасини ошириш, сайлов жараёнига замонавий АКТни жорий этишга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Энг илғор халқроқ стандартлар асосида мустақил

Ўзбекистон тарихида илк бор Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур кодекс Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ҳоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилайди.

Бу йил сайловларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилган. Сайловда 20 миллион 600 минг нафар

фуқаро овоз бериши кутилмоқда.

Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Дункан сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралиги, фуқароларнинг сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан тенг ва эркин фойдаланиши учун Ўзбекистонда яратилган шароитлар билан ақидан танишиш истаги борлигини қайд этди.

Шу кунги Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Дункан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев билан ҳам учрашди. Унда меҳмонга парламент икки палатасининг бугунги кундаги фаолияти бўйича маълумот берилди.

(Давоми 3-саҳифада)

## Хоразмда Президент мактаби очилди

Жорий йилнинг 20 февраль куни давлатимиз раҳбарининг "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Хоразм вилоятида ҳам Президент мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда депутатлар, сенаторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Хоразм воҳаси дунё илм-фанининг қадимий бешикларидан бири бўлиб, бу заминдан етишиб чиққан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Махмуд аз-Замахшарий каби улғу алломалар ўзларининг беқиёс кашфиётлари билан инсоният тамаддунига салмоқли ҳисса қўшгани ва уларнинг илмий меросидан бугунги кунда ҳам сайёрамиз халқлари фойдаланиб келаётганини таъкидладилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, диёримизда буюк аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялашга мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Президент мактаблари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда иқтисодий ёшларни аниқлаш ва уларнинг камол топишига зарур шароит яратди.

Хоразмда қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилган Президент мактаби янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлади. 168 ўринга мўлжалланган мазкур ўқув маскани тузилиши жиҳатидан аънавий мактаблардан фарқ қилади. Ҳар бир синф хонасида интерактив доска ва таблолар, Science хоналарида эса алоҳида лаборатория мавжуд.



Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Айниқса, ўзида замонавий қулайликларни мужассам этган ётоқхона ўқувчиларга оила муҳитидагидек яшаш ва дарс қилиш имконини беради. Мусиқа хонасида ўғил-қизлар миллий ва хорижий чолғу асбобларидан фойдаланган ҳолда дарсларни мазмунли ўтказишади.

Жорий йилда мазкур мактабининг 5-10 синфларида ҳужжат топширилган 6 минг 400 нафардан зиёд ўқувчидан 144 нафари ўқишга қабул қилинди. Келаси ўқув йилидан бошлаб, ҳар йили 5-синфга 24 нафар ўқувчи қабул қилинади. Мактаб кутубхонаси дунёда машҳур бўлган Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг

## ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА

Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги "Ўзбекистон – Япония" дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Кунчиқар мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказди

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 17 декабрь куни расмий ташриф билан Нагоя шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи дастури 18 декабрь куни тонгда Аичи префектураси губернатори Хидэки Омуро билан учрашувдан бошланди.

Аичи префектураси Япониянинг марказий қисмида, Тюбу вилоятида жойлашган. Префектуранинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 375,3 миллиард доллар бўлиб, Токиодан кейин иккинчи ўринда туради. Автомобилсозлик, аэрокосмик соҳа, керамика буюмлари ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ ҳўжалиги ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Аичи соҳа маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Японияда етакчи. Худудда "Toyota" корпорацияси, шунингдек, автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган қўлаб заводлар (кластерлар) қароргоҳлари ва ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган. Шунингдек, бу ерда Япониянинг Toyota Motor Corporation, DENSO, Panasonic Ecosystems, Mitsubishi Aircraft Corporation, Brother Industry, Aichi Steel, Makita, Rinnai, INAX, Kagome, Daido Metal Industry, Asahi Beer сингари йирик компаниялари фаолият кўрсатади.

Транспорт қисмлари, технологик ускуналар, чўян ва пўлат, каучук ва пластмасса ишлаб чиқариш бўйича ҳам префектуранинг салоҳияти юқори.

Тюбу вилояти самолёт ва улар учун эҳтиёт қисмларнинг 50 фоизини ишлаб чиқарадиган Япониянинг аэрокосмик технологиялар тайёрлайдиган йирик маркази ҳамдир. Аичи префектураси соҳа роботлари етказиб бериш, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва соҳада фаолият юритувчи мутахассислар сони бўйича Кунчиқар мамлакатда биринчи ўринда туради.

2018 йилда худуднинг ташқи савдо айланмаси 226,5 миллиард долларни ташкил этган. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси унинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон учун Япониянинг ушбу маъмурий ҳудуди билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилар ҳар томонлама манфаатлидир.

Учрашувда мамлакатимиз билан Аичи префектураси ўртасида таълим ва маданият соҳасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Инновациялар, соҳа, қишлоқ ҳўжалиги ва қўшма агрокластерлар ташкил этиш, туризм, академик алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди. Ўзаро ташрифларни ташкил қилиш ва Аичидан авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини қўриб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамура билан учрашув ўтказди.

Нагоя Япониянинг илм-фан ва соҳа тараққий этган йирик маркази бўлиб, ялпи ички маҳсулоти 117 миллиард доллардан ошади. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 52 минг долларга тенг. Машинасозлик, металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, энгил соҳа ҳудуднинг асосий соҳа тармоқлари ҳисобланади. Япониянинг энг йирик портларидан бўлган Нагоядан йилга 110 миллион тоннадан зиёд юк ташилади.

Музокарада Нагоя мэрияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимиз Тошкентда Нагоя юқори технологиялар паркни ташкил этиш, иқтисодиёт, соҳа, транспорт, таълим, туризм ва бошқа устувор йўналишларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

2020 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар "йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув сўнггида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Нагоя мэрияси ўртасида шериклик тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди.

Нагоя университети дунёдаги энг нуфузли илм-фан ва таълим масканларидан, қитъадаги ўн та энг намунали олий таълим даргоҳларидан биридир. Мазкур университетда дунёга машҳур қўлаб олимлар таълим олган ва меҳнат қилмоқда, бу ердан физика ва кимё фанлари бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндори етишиб чиққан. Бугунги кунда университетда 16 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Шундан 2,6 минг нафари хорижий мамлакатлар, 30 нафардан ортиги Ўзбекистон ёшларидир. Ҳозирги кунга қадар мазкур университетда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчи таълим олган.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Биз бугун учрашиб турган Нагоя университетининг билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 20 йилдан зиёд тарихга эга. Сизнинг университетингиз 2010 йилда Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очганини биз юксак баҳолаймиз. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда 400 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар тахсил олгани айниқса қувонарлидир.

Бугунги учрашувимизда Японияда ўқиб-танган кўпгина ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Сизлар ўз истеъдод ва салоҳиятингни намойиш этишнинг учун Ўзбекистонда барча шароит ва имкониятларни яратиб берамиз. Мен ҳозир сизларни кўриб, юзингиздаги, чеҳрангиздаги ўзингизга бўлган ишончингизни ҳис қилиб хурсанд бўлиб ўтирибман. Сизларга қараб, барчангиз чиндан ҳам жонажон Ватанимизга муносиб ўқил-қизлар бўлишингизга ишонч ҳосил қилдим. Энг катта вазифангиз — вақтинчи бекор ўтказмасдан, баъло ўқиш, юқори технологияларни чуқур эгаллаш, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик янада мустақамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу йўлда барчангизга янги ютуқ, бахт ва омадлар тилайман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!  
Глобаллашув даврида жаҳоннинг кўпгина тараққий этган давлатлари "ахборот жамияти", "билимлар иқтисодиёти", "рақамли иқтисодиёт" йўлини танлаганига гувоҳимиз.

Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққийнинг фундаментал асосини ташкил қилмоқда. Бундан ярим аср муқаддам пухта ўйланган, тараққийнинг илм-фанга асосланган "япон модели" туфайли мамлакатингиз бугун барча соҳаларда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Япония фани сунъий интеллект, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, робототехника, космик тадқиқотлар, ядровий тиббиёт, "ақил энергетика" йўналишларидаги илмий изланишлар борасида оламшумул ютуқларга эришмоқда. Хусусан, мамлакатингиздан 28 нафар Нобель мукофоти совриндори этишиб чиққани ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Хурматли дўстлар!  
Биз замонавий тараққийнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция қилишни давлат сийосати даражасига кўтардик.

Ўтган йили Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш Стратегиясини қабул қилдик. Биз инновациялар соҳасидаги илгор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни ўз олдимиизга вазифа қилиб қўйдик.

Бугунги кунда 33 миллионли юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фанлар муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсадимиз ҳисобланади.

Бунга эришиш учун охириги уч йилда 36 та янги олий ўқув юртлири ташкил этилиб, институт ва университетларимиз сони 116 тага етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатлар етакчи олий ўқув юртлирининг 22 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Давлат кўмағида жаҳоннинг илгор илмий ва таълим марказларида етук мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимли асосда йўлга қўйилди. Бу жараёнларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) фаолиятини миннатдорлик билан эътироф этишни истар эдим.

Япония ҳукуматининг ташаббуси — "Глобал-30" дастури бўйича Нагоя университетининг Марказий Осиё мамлакатлари учун масъул этиб белгилангани гоятда самарали бўлмоқда.

Биз Нагоя университетининг президенти, хурматли Мацуо жанобларининг юртимизга бир неча марта ташриф буюриб, илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, у кишининг ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташриф мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Хабарингиз бор, Нагоя университетининг мухтарам президенти Мацуо жанобларининг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университетининг илмий кенгаши у кишини ушбу университетнинг фахрий ректори этиб сайлади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!  
Япониянинг "Қадрлар тайёрлаш" дастури доирасида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд ёшлари юртингизда магистрлик ва докторлик илмий даражаларини олишга эришдилар. Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази орқали ҳам ўнлаб йигит-қизларимиз япон университетларида малака оширишмоқдалар.

Мухтарам дўстлар!  
Албатта, Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида амалга оширилган ишларимиз эътирофга сазовор. Айни вақтда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятларимиз ҳам борлигини

таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан айрим тақлифларни билдиришга ижозат эттайсиз.

Биринчидан, Нагоя университетининг ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган Япония — Ўзбекистон университетлари ректорлари анъанавий конференцияси илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда. Биз ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек-Япон қўшма фондни ташкил этишни тақлиф этамиз.

Мазкур фонд ўзаро илмий тадқиқотларни, икки мамлакат ёш олимларининг биргаликдаги илмий изланишларини молиялаштириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу фонд фаолияти Ўзбекистонда айни шундай йўналишда иш олиб бораётган "Эл-юрт умиди" фондининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Дастлабки қадамлар сифатида биз ҳар йили Нагоя университетининг 15 нафар профессор-ўқитувчисини Ўзбекистонда азиз меҳмонлар сифатида қабул қилишга тайёр эканимизни билдираман.

Улар ўз фан йўналишлари бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртлирида маърузалар ўқиб, амалий машгулотлар, маҳорат дарслари ўтказиб берсалар, биз ниятда миннатдор бўлардик. Айни вақтда ана шундай алмашувлар дастури асосида ҳар йили мамлакатимизнинг 50 нафар талаба-ёшларини 15 кун давомида Ўзбекистоннинг тегишли олий ўқув юртлирида кутиб олишга тайёримиз. Ўйлайманки, мана шу 50 нафар талабанинг 50-60 фоизи Нагоя университети талабалари бўлса, айни муддао бўлар эди.

Ишончим комил, бундай лойиҳалар икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшади. Нега деганда, ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустақам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади.

Иккинчидан, Нагоя университети ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз Фанлар академияси қошида нанотехнологиялар асосида янги материаллар яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф этаман.

Учинчидан, ўзбек-япон археологлари билан биргаликда юртимиз ҳудудида жойлашган буддавийлик тарихи ва маданиятига оид археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш ишларини давом эттиришимиз зарур. Биз бу борада япониялик дўстларимиз билан бирга, Термиз давлат университети қошида Ўзбек-Япон илмий марказини ташкил этишдан мақсадимиз ҳисобланади.

Хурматли учрашув катнашчилари!  
Биз яқинда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида илм-фан ва инновациялар бўйича маслаҳатчи-вакил лавозимини жорий этдик. Нега десангиз, мен бу учрашувдан олдин хурматли президент Мацуо бошчилигидаги бутун илмий жамоа, Нобель мукофоти лауреатлари, проректорлар, профессорлар билан кўришганимизда кўп-кўп масалаларни келишиб олдик. Мана шу масалаларни амалга ошириш бўйича бизнинг маслаҳатчи-вакилимиз Нагоя университети билан бевосита шугулланади. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Президентининг Нагоя университетидаги ишончли вакили бўлади.

Вақт ўтади, бугунги тарихий учрашувимиз натижалари икки олий ўқув юрти — Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университети ўртасидаги алоқаларга, энг асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларимизга катта ижобий таъсирини кўрсатади, деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар!  
Ўзбек халқи Япониянинг қадимий тарихи ва бой маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида яқинда мамлакатимизда "Япония конституцияси", "Япон шеърияти гулдастаси", "Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида", "Ўзбекистон япониялик қалбиди" каби бир қанча китоб ва альбомлар ўзбек ва япон тилларида чоп этилди.

Ижозатингиз билан, ушбу наشرларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этмоқчиман. Ўйлайманки, мана шу китоблар сизнинг кутубхонангиздан жой олиб, ҳамкорлигимизни янада мустақамлашга хизмат қилади. Бугунги ҳамкорлигимиз, бугунги билдирилган фикрлар, катта-катта тақлифларнинг натижаси сифатида икки-уч йилдан кейин таржима қиладиган китобларимиз янада кўпаяди, деб истақ билдираман.

Мен боя учрашув пайтида хурматли Мацуо жанобларига айтдим: "Энди сизнинг жамоангиз фақат Нагояда эмас, балки Тошкентда ҳам катта илмий жамоа ҳисобланади, ўзбек олимлари, талабалари сизни ректор сифатида кутади", деб у кишини Ўзбекистонга ташриф буюришга тақлиф қилдим.

Мухтарам президент Мацуо жаноблари!  
Хурматли университет илмий жамоаси!  
Сўзининг якунида менга ва халқимизга кўрсатган юксак ҳурмат ва эҳтирмингиз учун ўз номимдан, делегациямиз номидан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, барчангизни Ўзбекистонга тақлиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Боши 1-саҳифада)

— Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий салоҳияти ва жозибador жиҳатларини нималарда кўрасиз?

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестиция муҳитининг яхшиланиши натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 2 баробарга ортиди. Бугунги кунда уларнинг сони 10 мингга ташкил этмоқда.

Биз бу йил хорижий инвестицияларни уч баробар кўп, яъни 7 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Ўзбекистон улкан минерал-ҳомашё ресурсларига эга бўлиб, олтин, уран, мис, калий тузалари, фосфоритлар каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёдаги ўн та етакчи давлат қаторида қайд этилади. Биз биргаликда илгор япон технологиялари ёрдамида уларни янада чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга эришимиз мумкин.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга руҳсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислохотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

— Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эъти-

## ЎЗБЕКИСТОН ЎЗARO MANFAATLI HAMKORLIK UCHUN OCHIQDIR

боран, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тadbirkorликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, мазкур соҳада очиллик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармос муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг ишлаб чиқаришни таъминлашга эришимиз мумкин.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга руҳсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислохотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

— Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эъти-

боран, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотларни бошладик. Иқтисодиётни либераллаштириш ишлари ва маъмурий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди.

Биз рақобат ва тadbirkorликни янада ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, мазкур соҳада очиллик ва шаффофликни таъминлаш, бизнес ва сармос муҳитини яхшилашга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Буларнинг ишлаб чиқаришни таъминлашга эришимиз мумкин.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ва компанияларни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилишга руҳсат этсангиз: мамлакатда кенг миқёсдаги ислохотлар давом эттириладими, кейинги таркибий ўзгаришлар қандай бўлади?

— Кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, халқаро майдонда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун 2017 йилдан эъти-

## ЎЗБЕКИСТОН — JAPONIA:

## SAVDO-IQTISODIY, INVESTIYIVYI VA TEXNOLOGIK HAMKORLIK SOHASIDA YANGI SAHIFA

(Боши 1-саҳифада)

2010 йилда Тошкентда Нагоя университетининг ваколатхонаси очилган эди. МДҲдаги ягона мазкур ваколатхона мамлакатларимиз олий ўқув юртлири учун таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида кўпrik вазифасини ўтамоқда. Бевосита университет иштирокида икки мамлакатда мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон — Япония талабалар академик форуми ва олий ўқув юртлири ректорларининг анъанавий конференциялари илмий ҳаётимизда катта роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари университети фаолияти билан танишиш, унинг президенти Сейичи Мацуо билан учрашди. Учрашувда бир неча Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди.

— Сизнинг юртимизда илмий ҳамкорлигимизни ривожлантириш борасида қилаётган катта хизматларингизни алоҳида қадрлаймиз. Айниқса, ўтган йили Нобель мукофоти совриндори, профессор Режи Ноёри жаноблари билан биргаликда Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатимиз илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сейичи Мацуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан профессор Ноёрига фахрий академик унвони берилди.

Учрашувда Президентимиз Сейичи Мацуо ва Режи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриқладик. Академик алмашинувлари фаолаштириш ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма илмий тадқиқотлар амалга оширишга келишиб олинди.

Нагоя университетига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда университет раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари, Японияда тахсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислохотлар эътирофи сифатида Нагоя университетининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маросимда Нагоя университети президенти Сейичи Мацуо сўзга чиқиб, Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасида илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, ушбу қарор томонларнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли ва истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган иштирокини фойдаси эканини таъкидлади.

Президентимиз замонавий тараққиётнинг калити илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция қилишни давлат сийосати даражасига кўтарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳаси тубдан ислохот қилинмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги кунини замонавий кадрларга боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгилашмоқда.

Мамлакатимизда Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактаблар ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар яратяди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий

қадриятлар билан бирга, илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириб туришини таъкидлади. Замонавий дунёда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил қилаётганини қайд этди.

— Бу унвонни, мен аввало Ўзбекистон халқига қўрсатилган эҳтиром фойдаси, деб қабул қиламан ва бунинг учун Нагоя университети раҳбариятига, унинг илмий жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ўзбекистон таълим ва фан соҳаларидаги кенг миқёсли ислохотлар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этиб, айни вақтда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжудлигини таъкидлади ҳамда қатор тақлифларни илгари сурди.

Президентимиз Ўзбекистон — Япония азалий дўстлигининг рамизи сифатида мамлакатимизда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган бир қанча китоб ва альбомлари Нагоя университети кутубхонасига тақдим қилди.

Шу ерда Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳрида таълим олаётган ва фан билан шугулланаётган ватандошларимиз билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифидоирасида Нагоя университетига Ўзбекистон — Япония талабаларининг академик форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Токиого шаҳрига келди. "Ханзада" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагуюда Коичи, Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Хидеки Уэма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги Акасака қароргоҳида Япония Бош вазири Ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама мустақамлашиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги ташриф арафасида икки мамлакатнинг кўп сонли компания ва банклар иштирокида ўтган бизнес-форумнинг юқори натижалари юксак баҳоланди.

Учрашувда инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида солиқ соҳаси ва боғжона иши бўйича имзоланаётган икки томонлама битимлар аҳамияти қайд этилиб, бу узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиши таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва молия тизимини ислохот этишининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония парламентининг "Ўзбекистон — Япония" дўстлик лигаси вакиллари билан учрашди. Тадбирда ушбу лиганинг қатор аъзолари, жумладан, унинг раиси — Япония Бош вазири Ўринбосари, молия вазири Таро Асо иштирок этди.

Парламентлараро алоқалар кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигига мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакат кунун чиқарувчи органлари ўртаси-

фоизини ёшлар ташкил этади. Биз, албатта, ёш авлод ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қиламиз.

Бўлажак парламент сайловлари миллий мустақиллигимизни янада мустақамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши йўлидаги яна бир амалий қадам бўлади.

— Ўзбекистон ташқи сийосатида қандай тамойилларга таянади?

— Бизнинг мақсадимиз — халқаро майдонда, жумладан, жаҳон хўжалик муносабатларида муносиб ўрин эгаллашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, ташқи сийосатимизнинг бош устувор йўналиши — Марказий Осиё минтақасидир. Сўнгги уч йил мобайнида Марказий Осиёда мутлақо янги сийосий муҳит шаклланди, ўзаро сийосий ишонч сезиларли даражада ортди, кооперацион ва гуманитар алоқалар фаоллашди.

Минтақамизда барқарорликни таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Евроосиёнинг транспорт-транзит ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз, минтақамиз орқали Шарқдан Ғарбга ва Шимолдан Жанубга ўтадиган мавжуд транспорт ва иқтисодий коридорларни мустақамлаш ва янгиликларни яратиш тарафдоримиз.

Биз барча шерик давлатлар — Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва мусулмон дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашдан манфаатдоримиз.

да алоқалар 1993 йилда ўрнатилган. Япония парламентида "Ўзбекистон — Япония" дўстлик лигаси ташкил этилган. Унинг таркибига таниқли сийосат қирдорлари, депутатлар, дипломатлар, энг асосийси, мамлакатимизнинг чинакам ва ишончли дўстлари қиради.

Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустақамлашнинг дол

# ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ

УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

**Охирги йилларда экологик аспектларни ҳисобга олиш, яъни, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш бизнеснинг инвестициявий жозибадорлигини белгилайдиган асосий омиллардан бирига айланди.**



Бу ҳолат қонунчилик талаблари ва тадбиркорлик фаолиятида сарф-харажатларни камайтириш билан бир қаторда бизнес жараёнларининг экологик компонентларини ҳам ўз ичига олади. Экологик менежмент тизими ташкилотда экологик аспектларни самарали бошқаришга имкон яратади.

Экологик менежмент тизими ташкилотнинг экологик сиёсатини, мақсадларини ва атроф-муҳитга таъсирини бошқаришни англатади ёки

атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга қаратилган бошқариш тизимининг бир қисми ҳисобланади. Экологик менежмент тизимини жорий этиш учун корхона ходимлари ISO 14001 халқаро стандартини чуқур ўрганиши, унинг барча талабларини босқичма-босқич жорий этиши, унга амал қилиши зарур ва корхона раҳбарияти ушбу тизимни доимий яхшилаб бориши керак. Унинг мувофиқлигини эса корхонага олинган сертификат тасдиқлайди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида ISO 14001 стандарти талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Жумладан, атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналарида “Uz-Kor Gas Chemical” МЧЖ ҚК, “Шимолгазгазтаъминот” УК, “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ корхоналари ўтган йилларда сертификатлаштирилган бўлса, жорий йилда “Тахياتош нефт базаси” МЧЖ

ва “Тахياتош иссиқлик электр станцияси” АЖ корхоналарида экологик менежмент тизими муваффақиятли сертификатлаштирилди.

Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ISO 14001 халқаро стандартини жорий этиш орқали уларнинг экологияга зарарли таъсирларини камайтиришда чикиндилар ва энергия сарфини камайтиришга, бизнесда харажатларни камайтириш орқали самарадорликни оширишга, манфаатдор томонларнинг, истеъ-

молчиларнинг ишончини ошириш учун меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг ба-жарилишини, тендер танловларида устуликни таъминлашга ҳамда умумий иш юритишда ўзгаришларга тайёр туришга имконият яратилади. Экологик менежмент тизими корхонада экологик аспектларни самарали бошқаришни ташкиллаштиришга кўмаклашади.

Ушбу халқаро стандарт катта-кичиклиги, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари тури, фаолият йўналиши қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай санат корхоналарида қўлланилиши мумкин.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш жоизки, аввало, экологияга таъсири кучли, энергия сарфи юқори бўлган ёки халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги билан ишонч ҳосил қилишга эришишни истаган ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ўз корхоналарида экологик менежмент тизимини жорий этса, экологик ҳолатимизнинг яхшиланишига катта ҳисса қўшган бўлар эди. Юртини, унинг келажагини ўйлаган, фарзандларининг тақдири учун қайғурган инсон эса, албатта, бу масалага жиддий ёндашади.

**Баҳодир САПАРОВ,**  
“Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси бўлим бошлиғи, эксперт-аудитор.

## БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистондаги кенг қўлмали ислохотларнинг очиллиги, хориж давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик олиб борилаётгани, иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган ислохотлар муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани таъкидланди.

Уз навбатда А.Дункан оммавий ахборот воситалари томонидан сайловга оид тайёрланаётган телекўрсатувлар, турли ахборот материалларини кузатиб бораётгани ва унда ёритилаётган мавзулар

муҳим аҳамиятга эга эканини, айниқса, сиёсий партиялар фаолияти, сайлов кампанияси доирасида олиб борилаётган тарбиёт тадбирларига алоҳида қизиқиш билдираётганини айтди. Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ойлари ташкил қилинган, бундай сиёсий тадбирларда ёшлар фаолиги юқори баҳоланди.

Мулоқотда Ўзбекистоннинг хорижда бўлиб турган фуқаролари мuddатидан олдин овоз бериши учун яратилган шароитлар бўйича фикр билдирилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
ЎзА мухбири.

**Интернет таълим жараёнида ўзига хос инқилоб, ижобий бурилиш ясади. Бу тармоқ орқали онлайн имтиҳон, онлайн дебат, масофали таълим каби ўнлаб янгиликлар ҳаётимизга кириб келди. Аммо бу жараёнда ўқитувчининг таълимдаги роли ўзгардими?**

## Ўқувчига интернет эмас, ўқитувчи таълим берсин...

Интернетнинг таълим жараёнида қўлланилиши барча учун янги имкониятлар эшигини очди. Масофали таълим, исталган вақтда билим олиш, электрон китоблардан фойдаланиш, исталган соҳада тез ва осон маълумот топиш шулар жумласидандир. Бу қўлайликлар бугунги жадал ривожланаётган жамиятимизда одамларга вақтдан унумли фойдалана олиш имконини ҳам бермоқда.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида ҳам бу ихтиронинг ўз ўрни бор. Интернет тармоғига уланган компьютерлар ўқитувчи томонидан берилган маълумотни янада соддалаштириб, ўйин, аудио, видео тарзда етказиб беришга хизмат қилмоқда. Бу турдаги ноанъанавий машғулотлар ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши орттиришига сабаб бўлмоқда.

Бироқ таъкидлаш жоизки, ҳанузгача устозлар, ўқитувчи-мураббийлар ўрнини боса оладиган қашфиёт йўқ. Интернетни “Маълумотлар уммони” деб аташ мумкин бўлса-да, улар ўқувчига индивидуал ёндаша олмайдди, характер ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда муомала қилиш қобилиятига эга эмас. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчи учун намуна, қизиқишни тарбияловчи, иқтидорни йўналтирувчи, мақсадлар сари бошловчи зиёли шахсдир. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг таълимдаги муаммолари ва қийинчиликларини вақтда аниқлай олади ҳамда тўғри ечим таклиф қилади.

Хулоса қилиб айтганда, интернетнинг таълимий-тарбиявий роли катта, лекин ўқувчиларда билим пойдеворини барпо этишчилар ўқитувчилардир. Уларнинг таълимдаги ўрни асрлар оша сақланиб қолмоқда.

**Маҳмуда ТЎРАЕВА,**  
Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 114-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Сирдарё вилояти

## Оти эмас, зоти муҳим

**Чорвачиликни ривожлантиришда наслчиликни яхшиламай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Негаки, зоти яхши бўлмаган хашаки қорамоллар парвариш учун сарфланган харажатни оқламайди. Бу борада Сирдарё вилоятида ўзига хос мактаб яратилган десак муболаға бўлмайди.**

Чунки сут-гўшт йўналишига мослаштирилган “Бушув” зотли қорамоллар 1905-1906 йилларда агроном-олим Михаил Бушув томонидан Мирзачўл шароитида, Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида яратилган. Бу зотни яратишда олим маҳаллий қорамолларни голланд, швец, симментал зотли молларга чапиштирган. Натижада Мирзачўл об-ҳавоси шароитига мослашган янги зот пайдо бўлган. Чорвачиликда янгилик бўлган “Бушув” зоти

1967 йилнинг 8 май куни насл сифатида тасдиқланган ҳамда Ўзбекистонда яратилган ягона қорамол зоти ҳисобланади. Генетик нуқтаи назардан ушбу зот қимматли генетик мулк ҳисобланади. Бу қорамоллар қуруқ иссиқ иқлим шароитларига яхши мослашади, қон-паразит касалликларига чидамли ва сигирнинг сути таркибига ёғлилик даражаси 4 фоиздан юқори бўлади. Энг аҳамиятлиси, озуқа танламайди, буқалари эса

сергўшт бўлади.

Бугунги кунда ушбу зотли қорамоллар вилоятдаги 7 та ихтисослашган наслчилик хўжалигида парвариш қилинапти. Наслчилик хўжалиқларида сигирларнинг ўртача йиллик сут бериши 2800-3200 килограмми, сутининг ёғлилиги 4,1-4,9 фоизни, оқсил миқдори 3,2-3,4 фоизни ташкил қилиб, айрим сигирларнинг маҳсулдорлиги йилига 5000 килограммгача етмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисида”ги Қонунида муайян жойга хос ва йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш чорвадорларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Ҳозирда бош сони камайиб бораётган “Бушув” зотли қорамолларни чорва фермалари ва аҳоли хонадонларида кўпайтириш сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ҳамда барча

тоифадаги хўжалиқларда чорва моллари зотини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Бу зотни кўпайтириш учун қорамолларни суний урулантириш шохобчалари хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш керак. “Бушув” зотли буқаларнинг музлатиб сақланадиган уруғлари билан уруғлантириш эвазига улардан биринчи бўғинда зотнинг 25 фоиз, иккинчи бўғинда 50 фоиз хусусиятлари жамланган авлод олинади. Бу ўз навбатда, ҳар авлодда сут ва гўшт маҳсулдорлиги онасига нисбатан анча юқори бўлган бузоқлар олиншига эришилади, демакдир. Фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида сут ҳамда гўшт маҳсулдорлигини, маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш учун “Бушув” зотли қорамолларни мутахассислар кўмагида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Д.ТОШМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сирдарё вилояти бошқармасининг чорвачилик-наслчилик ишини назорат қилиш бўлими бош инспектори.

✓Қутлов

# “АВТОЙЎЛТРАНСХИЗМАТ”

давлат унитар корхонаси меҳнат жамоаси

азиз юртдошларимизни кўриб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади. Барчангизга тинчлик, хотиржамлик, мустаҳкам соғлик, оиладарингизга тўкин-сочинлик тилаб, байрам кўнгулингизга идиқлик, олам-олам орзу-умидлар, хонадонингизга қўм-барақа ҳамда меҳру оқибат ва оилавий хотиржамлик олиб келишини устади.

Байрамингиз кўпلىк бўлсин, азиз ватандошлар!

Тел: (99) 844 29 03 (90) 948 24 00  
(93) 552 24 00 (93) 548 24 00

**Alfa milk**  
everything for livestock farmers



"Alfa Milk" компанияси Германия, Австрия, Голландия, Чехия, Эстония, Украина давлатларидан насли қора молларни (сут ва гўшт йўналишида) буюртма асосида етказиб беради. (Камида 1 фура-33 бошгача) Шунингдек, фермерлар учун мобил соғиш аппаратлари, соғим заллари, танк охладителлар, миксерлар олиб келиб, ўрнатиб беради.



www.alfamilk.uz

Манзил: Тошкент ш. Бектемир пост.


Маҳсулотлар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

"Ўзагротехсаноаткодинг" акциядорлик жамияти тизимидаги  
**"ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ"**  
акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй.  
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

**МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисилари
- Турли моделдаги шиналар



Маҳсулотлар сертификатланган.

Т. (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

Олмазор т. ДХМдан 2018 й. 27 февраль куни 583259-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "YANGI BARKAMOL NIHOLLARI" (СТПР 305355725) нодавлат таълим муассасаси тугатилишини маълум қилади.

"ZARBODOR NON SQB" МЧЖ устас фондиди 105 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилиши муносабати билан барча кредиторларни бу ҳақида хабардор этади.

"ZOMIN NON SQB" МЧЖ устас фондиди 105 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилиши муносабати билан барча кредиторларни бу ҳақида хабардор этади.

Тошкент ш. Юнусовод т. ҳокимлиги (собиқ ТСРҲИ) томонидан қайта рўйхатдан ўтган "SHORUSTAM O'TA" МЧЖ (СТПР 201005438) тугатилди. Мурожаат учун тел.: (97) 707-66-67.



Юртдошларимизни тобора яқинлашиб келаётган ЯНГИ ЙИЛ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Кириб келаётган йилда ҳам орзуларимиз кўп, режаларимиз бисёр. Хусусан, эл-юрт манфаатини, ватанимизнинг иқтисодий тараққиётини кўзлаб меҳнат қилишдан ортиқроқ бахт йўқ бизга.

Барчаларингизга соғлиқ-омонлик, оилавий бахт, ишларингизга ривож тилаймиз. Янги йил билан, азизлар!

**"ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ"**  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

302041708	GLOBAL MONOLITH SERVICE MCHJ
302972394	OOO "ZARQANAR NUR"
304452259	PHOENIX TECH PRO SERVICE
203905503	INTELLEKT-VEKTOR
304132296	SUNNY BREEZE
303031932	"FLIGHT CONTROL" OOO
303198130	OOO "GOLDEN RIVER BUSINESS"

Маъмур корхоналарнинг думалоқ муҳри, бурчакли тамғаси, корхона рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми, таъсис ҳужжатлари ва рухсат берувчи гувоҳномалар бекор қилинади. Корхонанинг дебитор кредиторлари давралари бир ой мuddат мобайнида Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси 269-уй манзил бўйича қабул қилинади.  
Мурожаат учун телефонлар: (78) 140-94-27, (78) 140-94-97, (71) 228-05-15 Ишонч телефони (71) 228-05-15.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Илғор агротехнологияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси М.Каримовга турмуш ўртоғи **Роҳатпошша ая КАРИМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилик жамоаси Хоразм вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Отабек Юсуповга падари бузруквори **Болтабой ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**QISHLOQ HAYOTI**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирилик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир уринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:  
Андижон – (+99893) 630-73-03,  
Бухоро – (+99891) 401-29-58,  
Жиззах – (+99893) 940-10-78,  
Навоий – (+99891) 332-50-99,  
Наманган – (+99893) 948-53-86,  
Фарғона – (+99890) 407-76-03,  
Самарқанд – (+99893) 349-54-39,  
Сирдарё – (+99894) 168-23-60,  
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05,  
Тошкент – (+99890) 978-39-58,  
Хоразм – (+99897) 790-47-61,  
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1225, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Манзилмиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 599 нускада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 03.00

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:

А.ҲАҚБЕРДИЕВ